

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШДА ЎЗБЕК УРУҒЛАРИ МАСАЛАСИ

**Маматов Ш., ГулДУ ўқитувчиси, Шерматова Г., Сирдарё педагогика
коллежи ўқитувчиси**

Мустақиллик даврида ўзбек халқининг, унинг алоҳида этник бўлақларини шаклланиш жараёнини ўрганиш Ўзбекистон халқлари тарихи фанининг олдида турган муҳим ва долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Шундай мавзуларидан бири 92 бовли ўзбек уруғи, унинг таркибий қисми бўлмиш уруғлар тарихини ўрганиш масаласидир. Айниқса, марказий ва асосий мавзу сифатида ўзбек халқи этногенези, яъни ўзбек халқининг келиб чиқишини, унинг бош ва илк аجدодлари тарихини ўрганиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Тарих шохидлик беришича, ўзбек халқнинг шаклланиш жараёни XII асрга келиб ўз ниҳоясига етган. Унинг 92 уруғини шаклланиш жараёни эса то XIX асргача давом этган. Бу этник гуруҳлар икки таркибий қисмга:

-туб жойли этник гуруҳлар ва

-туб жойли бўлмаган яъни кўчиб келган этник гуруҳларга бўлинади. Мантиқан олганда, барча кейинчалик кўчиб келган қабилалар, маҳаллий қабилалар таркибига қўшилиб, сингиб кетган. 92 бовли ўзбек уруғларини Мовароуннаҳрга келиши Дашти Қипчоқ кўчманчилари билан боғлиқдир. Маълумотларга қараганда уларнинг аксарияти XVI асрда кўчиб келишган.

Асли уруғ пайдо бўлиш шартини В.Бартольд ўрхун ёзувлари ва мусулмон манбаларига кўра қуйдагича ифодалайди: мустақил уруғ бўлиш учун эркаклар сони энг камида 700 кишидан иборат бўлмоғи керак.

IX-X асрларда ўзбек аجدодлари (бу давр учун ўзбек атамасини шартли равишда қабул қилдик) алоҳида жамоа, элат бўлиб шаклланган. Элат таркиби ва уни шаклланиш жараёнида қадимги турк этноси ҳам қатнашган. Ўзбек элати таркибидаги турғун аҳоли ҳамда йирик қабилалар қорлуқ, халаж, чигил, яғма, тухсилардан ташкил топган Қорлуқ давлати турк номи билан аталмаган. Қорлуқ давлати ичида шаклланган ўзбек элатининг аجدодлари маълум вақтларгача «қорлуқ» ёки «хоқонлиқлар», «қорахонлиқлар» деб номланиб келинган.

Ўзбек халқини алоҳида элат бўлиб шаклланганидан кейинги тарихий босқичларда унинг таркибида кичик этник гуруҳлардан бири қадимий турк номини сақлаб қолган эди. Масалан XVI асрда Фарғонада Сайф ад-дин Ахсикатий ёзган «Мажму ат-таврих» рисоласида 92 ўзбек уруғлари қаторида турк атамаси ҳам қайд қилинади. Бу турклар ўзбек элати таркибидаги этник гуруҳ бўлиб келиб чиқишлари қадимги турк хоқонлигидаги Ашина этноси билан боғлиқ бўлиши керак. Мовароуннаҳр ўзбекларини илк аجدодлари қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, бактрийлар, саклар, чоҳорлар, қанғлар ва бошқа халқлар ҳисобланишади. Бу этнослар кейинги 2000 йил давомидла турли объектив ва субъектив омиллар натижасида аввал турк қавмига, ўрта асрлар охирида эса ўзбек миллати даражасига кўтарилди. Ўзбекларни элат бўлиб шаклланиш жараёни XI-XII асрларда ўз ниҳоясига етди. Лекин турли туркий ва бошқа қабилаларни Туркистондаги, Марказий Осиёдаги қоришиқлик ҳаёти, бир-бирига сингиши то XX асргача давом этди. Кейинги асрларда кўчиб келган этник қабилалар орасида Дашти Қипчоқдан кўчиб келган 40 га яқин уруғлар ўзбек халқининг муҳим таркибий қисмига айланиб борди. Улардан минг кейинчалик Қўқон хонлиги давлатида ҳокимият тепасида ҳам туради. Юзлар эса Марказий Осиё тарихида алоҳида рол ўйнайдилар. Айниқса, уларнинг Фарғона водийси, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари тарихидаги ўринлари айрича.

Этник белгилар ичида муҳим ўрин тутадиган ўзликни англаш ғояси ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир ўзбек уруғлари, ўзликларини қанчалик чуқур ўрганишса, аجدодларини тарихини яхши билишса,

Ўзларини тарих ва келажак олдидаги вазифаларини шунчалик шараф билан бажарган бўладилар.

Адабиёт:

1. Ахмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: 1994.